O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 5 IYUL ◆ PAYSHANBA ◆ № 77 (26.779)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ХАЛҚАРО КУРАШ УЮШМАСИНИНГ ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Кураш бўйича Африка биринчи чемпионати қатнашчилари ва ташкилотчиларидан

Биз, Африка халқларининг вакиллари, кураш бўйича мусобақаларда иштирок этиб, Сизнинг гўзал мамлакатингиз ва дунёга кўплаб буюк зотларни етиштириб берган қадимий халқингиз билан танишиш имкониятига эга бўлган эдик. Халқингиз кўп асрлик йўлни босиб ўтиб, бундан 10 йил муқаддам ўз мустақиллигини қўлга киритган эди. Биз Сизнинг ўз мамлакатингизни тараққий эттириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингиздан, шунингдек, уни жаҳондаги пешқадам давлатлардан бирига айлантириш борасидаги интилишларингиздан хабардормиз.

Инсоният янги мингйилликка қадам қўйган ҳозирги кунда Сиз миллий спортни халқаро миқёсга кўтаришда катта муваффақиятларга эришдингизки, у бутун дунёда муносиб равишда эътироф этилди. Бу улкан ғалаба бўлиб, бундай маррага ҳамма ҳам ва ҳар қандай миллат ҳам эриша олмайди.

Шуни алоҳида қувонч билан таъкидламоқчимизки, том маънодаги миллий спорт ўйини бўлган кураш бизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олиб, барчамиз учун севимли спорт турига айланиб бормоқда.

Америка, Европа ва Осиё курашчилари сингари, Африка қитъаси спортчилари ҳам курашни дунё миқёсида ривожлантириш ҳаракатининг фаол қатнашчиларига айланаётганини мамнуният билан маълум қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизнинг халқингизга, Ўзбекистон Республикасига тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Чинакам гўзаллик ва инсонпарварлик билан йўғрилган, ер юзидаги инсонларни бирлаштиришга кўмаклашаётган спорт турларидан бири бўлмиш кураш бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб бораверсин.

Чемпионат қатнашчилари ва ташкилотчилари номидан Африка Кураш уюшмасининг Президенти жаноб Андре ФРЕНЧ

2001 йил 2 июль,
Жанубий Африка Республикасининг Хартенбос шаҳри.

Попликлар кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режасини уддалай олмаётганди. Лекин бу йил улар учун омадли келди. Боиси, пилла-корлар водийда биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш режасини ошиғи билан, ғаллани эса вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Пахтачиликда ҳам кўсаклар очилиб, деҳқонларнинг ҳаракати зое кетмайдиганга ўхшайди. Бундан ташқари, туманда ободонлаштириш ишлари, савдо, тиббий хизмат ва ҳоказолар бирданига юришиб кетди. Бундай ишларнинг ҳаммаси раҳбарнинг ишбилармонлигида.

Яқинда туманда буғдой ҳосили байрами ўтказилди. Унда Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов ғаллакорларни қутлаб, 2 та енгил машина, телевизор, гилам, магнитофонларни ўз эгаларига топширди. Сайиллга ташриф буюрганларни ошга таклиф этди. Таниқли санъаткорлар шу куни эл хизматида бўлишди.

***

Суратларда: буғдой ҳосили байрамидан лавҳалар.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

ВАЗИРЛИК ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Куни кеча Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда 1997 йилда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Адлия вазирлиги томонидан бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Файбулла Раҳимовнинг ушбу масала бўйича ахбороти тингланди. Ҳуқуқий тарғибот борасида чиқарилган кўпгина адабиётлар, плакатлар билан бирга бевосита адлия идоралари кўмагида 31 минг марта маҳаллаларда, 26 минг марта жамоа хўжаликларда давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари олиб борилган.

Маърузадан кейин қўмита депутатлари томонидан маърузачига бир неча саволлар тушди:

Савол: — Адлия вазирлигига тушган 2 йил давомидаги 159 ариза кўрилмай қолиб кетган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Жавоб: — Булар аноним хатлар бўлиши мумкин.

Савол: — Дастурда ҳуқуқий оммабоп адабиётлар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети томонидан қопланиши ҳақида гап бор эди. Шу пайтгача ушбу масаланинг ҳал қилинмаганлигининг сабаби нима?

Жавоб: — Бу бизнинг ваколатимизга кирмайди.

Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази раҳбари F. Абдумажидовнинг изоҳ беришича, ҳуқуқий китобларнинг давлат бюджетидан қопланиши масаласи Молия вазирлигида ётибди. Сўнгги сўзни айтиш уларда қолган. Лекин...

Юқоридагидек муаммолардан ташқари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Дастур ижросини ўрганиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ раҳбари А.Тўхташевнинг айтишича, ушбу Дастур бажарилиши бўйича Адлия вазирлигида бирорта алоҳида мажлис ўтказилиб, муҳокама қилинмаган. Қайси ҳуқуқий адабиётлар оммавий саналади, деган масалани ечиб бериш учун ҳам Адлия вазирлиги Кенгаш тузиши лозим эди. Шунингдек, юристларнинг малака ошириш маркази ҳақида вазирлик эътибор қаратиши лозим. У эски бинода жойлашган ва албатта, бу иш сифатига таъсир қилади.

Бундан ташқари Дастурда 1999-2000 йилларда 4 та шаҳарда ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган академик лицейлар ташкил этилиши кўзда тутилган бўлсада, фақат битта шаҳарда — Тошкентда шундай лицей очилди.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ижросига қаратилган қўшма мажлисда қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда Дастур ижросини таъминлашга оид қўшимча чоралар кўриш юзасидан тавсиялар берилди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

BU DUNYONING ISHLARI

Иркутскда Екатеринбург — Владивосток йўналиши бўйича учаётган ТУ-154 самолёти ҳалокатга учраши оқибатида 136 нафар йўловчи ҳалок бўлган.

❖❖❖

Ханойда Вьетнам ва АҚШ вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Вьетнам уруши чоғида АҚШ ҳарбийлари қўллаган кимёвий қуролларнинг аҳолига таъсирини ўрганишга келишиб олинди. АҚШ Вьетнамга қарши урушда дефолиант моддасидан жами 72 миллион литр миқдорда сочган.

❖❖❖

Колумбия пойтахтидаги «Модело» қамоқхонасида маҳбуслар орасида жанжал чиқди. Можаро туфайли ўн нафар маҳбус ҳалок бўлди, 22 киши жароҳатланди.

❖❖❖

Чехия парламенти мамлакат конституциясига тузатишлар киритди. Эндиликда мамлакат учун Европа Иттифоқига қўшилишга ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай тўсиқ қолмади. Яқинда айни шу масала бўйича умумхалқ референдуми ҳам бўлиб ўтади.

❖❖❖

Уругвай ташқи ишлар вазири Диде Опертти Россияга келди. Уч кун давом этадиган ташриф давомида асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилади.

❖❖❖

Таллинда НАТОга қўшилишга даъвогар ўн мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари учрашди. Улар НАТО таркибини кенгайтиришни сўраб қўшма баёнот қабул қилди. Асосий номзодлар Болқон минтақаси ва Болтиқбўйи давлатларидир.

ХДП ХАБАРИ

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан партия фаоллари, тумандаги корхона, ташкилот, ўқув юртлари раҳбар ходимлари ва олимлар иштирокида учрашув ўтказилди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ХДП ташкилотлари ва аъзолари фаоллигини ошириш, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги иштирокини кучайтириш масалаларига бағишланган ушбу тадбир очиқ мулоқот тарзида ўтди.

Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши биринчи котиби Раъно Сатторова туман партия ташкилотларининг мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акрамов ўз сўзида Тошкент шаҳрида миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳамда диний бағрикенглик анъаналарини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни давом эттириш, Миллий истиқлол мафкураси ғояларини кенг тарғиб этиш, диний ақидапарастлик иллатига қарши курашиш, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг изчил олиб борилишида сиёсий партиялар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов йиғилганлар эътиборини партия ташкилотларининг аҳоли турли қатламлари ўртасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига қаратди.

Шунингдек, мулоқотда иштирок этган республика Жисмоний тарбия институтининг кафедра мудири, профессор Тўлқин Юнусов, Ўзбекистон Фанлар академияси Химия институти директори, академик Зокиржон Салимов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Жонон Юнусова, Тошкент Кабель заводи ХДП бошланғич ташкилоти котиби Манзура Охунжонова ва бошқалар ўртага ташланган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашув сўнггида бир гуруҳ партия фаолларига Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Навоий тумани меҳнаткашлари давлатга ғалла сотиш режасини муваффақиятли бажардилар. Ушбу меҳнат ғалабасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ғаллакор деҳқонлар меҳнати шарафланди. Туман ҳокими Э. Бердиев ҳосилни етиштириш ва йиғиб-териб олишда самарали меҳнат қилган бир гуруҳ ғаллакорларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Шунингдек, йиғилишда туманда илғорликни қўлдан бермай келаётган «Жўра-чўпон», «Ният», «Алпомиш» фермер хўжаликлари раҳбарлари Асад Жўраев, Фарҳод Умаров ва Ўктам Каримовларга ХДП туман кенгаши Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими F. Дилов иштирок этди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«УМИД»НИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Фарҳод Эшматов — 1993 йилда пойтахтдаги 225-ўрта мактабни тугатган. 1998 йил Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Бугунги кунда АҚШнинг нуфузли олийгоҳларидан бири — Корнел университети докторантурасида таҳсил олмоқда.

— Математика тафаккур, теран фикрлаш, десам хато бўлмайди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ бу фанга қизиқар эдим. Бир неча бор туман, шаҳар ва республика миқёсидаги олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни олганман. Талабалик йилларимда эса республикамизнинг нуфузли журналларида илмий мақолаларим чоп этилди. Уларда ёритилган илмий натижалар амалиётга татбиқ қилиниб, ҳозирги вақтда тақрибий ечиш усулларини асослашда қўлланилмоқда. 1998 йилда ҳаётимда туб ўзгариш содир бўлди. Кўплаб ёшлар қатори «Умид» жамғармаси томонидан АҚШнинг Нью-Йорк университети магистратурасида икки йил ўқиб келиш учун йўлланма олишга эришдим. Қоидага биноан жамғарма ҳар бир ўқишга юборилган талабанинг ўқиш харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди. Аммо мен бир йил ўқиб, ижобий натижалар билан ўқув йилини якунлаганим учун сарф-харажатларни университет ўз ҳисобидан тўлашга қарор қилди. 2000 йил университет магистратурасини имтиёзли диплом билан битирдим. Маълумки, АҚШда 2500 дан зиёд университетлар мавжуд. Мен таҳсил олаётган Корнел университети ҳам нуфузли олийгоҳлардан саналади. Унда докторантурада ўқишимни устозларим — дунёга машҳур олимлар Я. Синай, Ю. Ильяшенко, А. Файнгольдлар маслаҳат қилишиб, тавсия беришди. Машғулотлар инглиз тилида олиб борилади. Ўқиш билан бирга университетдаги бакалаврларга математиканинг «Дифференциал тенгламалар», «Математика-физика тенгламалари», «Математик статистика» бўлимларидан таҳсил бермоқдаман. Ҳар йили Лос-Анжелесда дунё математикларининг анъанавий анжумани бўлади. Бу йил ушбу анжуманга мени ҳам таклиф этишган. Ўз илмий ишларим билан АҚШ матбуотида қатнашиб тураман.

— Океан орти мамлакатидаги ёшлар ҳаёти, уларнинг илмга интилишлари ва яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Америкада ҳар бир нарса, айниқса, вақт қадрли. Иқтисод биринчи ўринда туради. Умуман узоқни кўзлаб иш қилишади улар. Масалан, ишбилармонлар янгилик яратмоқчи ёки бирор иншоот қурмоқчи бўлсалар аввалдан иқтисодий таҳлил қилишади. Келгусида фойда беришига ишонч ҳосил қилинганидан кейин иш бошлашади. Барча соҳалар бўйича ўзаро рақобат кучли. Бу табиий ҳолга айланиб қолган. Биздаги каби уларда ҳам ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар яхши. Аммо бу ҳам асосан маблағ билан характерланади. Ёшлар ўзлари пул топиб, ўзлари сарф қилишади. Бизда жорий бўлаётган пуллик ўқув тизими уларда азалдан мавжуд. Ҳаёт ёшларни изланишга, билим олишга ва айни пайтда маблағ топишга мажбур қилади. Боқимандалик кайфияти йўқ. Ўқийдиган талабаларни давлат эмас, ўқийдиган ўқув даргоҳи истеъдоди, билимига қараб ўз ҳимоясига олади. Агар ўқувчи малакали мутахассис бўлиб етишса, ўқув даргоҳида ўқиш истагини билдирувчилар кўпаяди. Ўқув муассасалари ҳам замонавий жиҳозланганлиги, малакали мутахассис етиштириши ва бошқа жиҳатлари билан рақобат бозорида иштирок этади.

Истеъдод масаласига келсак, ўзбек ёшларининг истеъдодлари ҳеч қайси замонавий ёшлардан кам эмаслигига таҳсил давомида ишонч ҳосил қилдим.

— Математикага қизиқишингизнинг сабаби оилангиз бўлса керак? Оилангиз ҳақида ҳам бироз маълумот берсангиз.

— Ҳа, оиламиз фан билан узвий боғлиқ. Отам техника фанлари доктори, онам биология фанлари номзоди, акам яқинда математика фани бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Укам Миллий университетнинг математика факультетида иккинчи курс толиби.

— Фарҳоджон, баъзи чет мамлакатларда яхши мутахассисга талаб катта дейишади. Келгуси режаларингиз қандай? Қаерда ишламоқчисиз?

— Тезроқ илмий ишимни якунлаб юртимга қайтиш, ўз билим ва тажрибаларимни шу элга сарфлаш мақсадимдир. Юртимиз равнақи йўлида ҳиссамни қўшишни хоҳлайман. Бошқа давлатда қолиб ишлаш ниятим йўқ. Ўз юртини тарк этиб қайси инсон бахт топган дейсиз?! Гарчи мен ўқиш учун борган бўлсам-да, юрт меҳр-муҳаббати ва мусофирлик нима эканлигини ҳис этдим. Мен каби ёшларга илм олиш учун қулайлик яратиб берган Юртбошимизга, «Умид» жамғармасига миннатдорчилигимни билдираман. Жаҳонга кенг қулоч ёзаётган Ўзбекистонга ҳавас билан боқувчилар янада кўпайиб боришини чин дилдан истайман.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди**

«ҚОЧАЁТГАНЛАР БОР-У, ҚУВАЁТГАНЛАР ҚАНИ?»

Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси газетанинг шу йил 22 май сонидаги «Қочаётганлар бор-у, қуваётганлар қани? Ёки шахсий йўловчи транспортидаги бир мужмо хусусида» сарлавҳали мақола билан танишиб чиқди.

Ушбу мақолада кўтарилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан биринчи навбатда вилоят Давлат солиқ бошқармасида, кейин эса барча шаҳар, туман давлат солиқ инспекцияларида зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Республикамизда қонунларни ҳурмат қилувчи ҳар бир тадбиркор бу соҳанинг белгиланган қоидаларига амал қилиши, яъни ўз вақтида махсус рухсатнома (лицензия) олиши, жойлардаги солиқ идоралари томонидан рўйхатдан ўтиб, тегишли ҳужжатлар олиб, бюджетга белгиланган солиқларни тўлаб бориши талаб этилади. Бироқ маълум бўлишича, автотранспорт хизматида бепарволик билан ноқонуний фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий авто ташувчилар кам эмас. Шунинг учун вилоятимизда ДАН, солиқ бошқармаси ва лицензия агентлиги вилоят бўлими ходимлари томонидан юқорида кўрсатилган фаолият билан ноқонуний шуғулланувчиларни тартибга олиш ишлари доимий назоратга олинди.

■ **Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Н. ЖУЛИБЕКОВ**

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ШАҲРИСАБЗ МЕБЕЛЛАРИ СОЗ



Яхши мебель — хонадон файзи. Мустақиллик шарофати ила мебелсозлигимизда ўзига хос тараққиёт жараёни бошланган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 июнда қабул қилган 258-сонли қарори ҳам мамлакат мебель саноати ривожига берилаётган катта эътиборнинг исботидир. Қарорда «Файз» холдинг компанияси тизимини такомиллаштириш тадбирлари белгилаб берилган. «Шаҳрисабзмебель» ҳиссадорлик жамияти ҳам компания таркибига киритилган.

Ривоят қилишларича, Амир Темур ҳазратлари Кешдаги қурилишларни назардан ўтказиб юрганларида, қўли кесишга ҳукм қилинган ҳунарманд йигитнинг отаси куюниб келибди.

— Ўғирлик гуноҳ, — дебди ҳазрат қатъиян. — Хўш, нақшни билурмисизлар?

— Биз бешиксоз усталармиз, — дебди ҳунарманднинг отаси. — Ўғлим кўчада ўсган толни кесган экан. Ўймакор эшиклар, хонтахта, устунлар ясай олурмиз...

Ҳикояда яна айтилишича, улуғ амир гуноҳкорни кечирибди, ҳатто сармоя берибди. Ўша уста йигит кўплаб шогирдларга устоз бўлган, дейишади. Бу қанчалик рост — асрлар бағрида ниҳон. Аммо соҳибқирон бобомиз «Тузуклари»да ҳунарпешаларга мурувват кўрсатганларини битганлар. Шаҳрисабзлик усталарнинг довруғи ҳақиқат. Ҳозир ҳам нақшинкор эшик, устунлар шу жойда тайёрланади. Моҳир усталарнинг бир қисми мебель корхонасига уюшган. Дарвоқе, мебель хусусида.

Ўтган йили катта йиғинда мактабларда 1 миллиард сўмликдан ошиқ доска, парта, стол, стул каби жиҳозлар етишмаслиги тилга олинганди. Масала кўндаланг қўйилди: уларни арзон баҳода вилоятнинг ўзида, жумладан, Шаҳрисабз мебель фабрикасида ясаш мумкин эмасми?

Маҳобатли Оқсарой орқасидаги қадим қалъанинг бир қисми бугун таъмирдан чиққан. Қалъадан сал ўтгач, катта ҳовли бошланади. Йигирма йил бурун экилган чинорлар қалъадан икки баравар баланд. Йиллар ва давр руҳи бу. Хайрли ният ила 1967 йилда тузилиб, энг моҳир усталар жалб этилган мебель корхонаси мушкулкушод кунларни кўрди. Материал етишмайди, ускуналар эски. Гоҳ режа бажарилмайди, гоҳ маҳсулот сотилмайди. Фақат «Файз» компаниясига қўшилгач, таъминот бирмунча яхшиланди. Бироқ кўп масалалар етакчига боғлиқ. Ҳисобланса, етмишинчи йилдан буён ўндан ортиқ раҳбар алмашибди. Оқибатда икки йил олдин корхона банкротга учради. Ўша 1999 йилнинг октябрь ойида Қаҳрамон Исмоилов ҳиссадорлик жамияти раислигига сайланди. Касби иқтисодчи бўлган бу йигит тумандаги юк ташиш корхонасида раҳбарга ўринбосар эди. Танишдик. Барваста, киришимли, қалби орзуга тўла йигирма саккиз ёшли йигит экан.

— Ёшлик қилдимми, мушкул ишлар кетма-кет чиқавер-ди, — дейди Қаҳрамонжон оқкўнгиллик билан. — Мана Зокир ака бош муҳандис, саксон тўртинчи йилдан буён корхонада. Жамоа ҳам аҳил. Муаммоларни биргаликда ҳал қилаяпмиз.

— Ўтган йили банкротликдан қутилиб, 9 миллион 666 минг сўм соф фойда олдик, — дейди ғурур билан бош ҳисобчи Райим Бобоқулов. — Қарзларимизни тўладик. Ишчиларнинг ўртача ҳақи 18 минг сўмдан кам эмас. Шу йилнинг биринчи чорагида 28 миллион 239 минг сўмлик маҳсулот сотдик.

— Буюртма-чи? — сўрайман қизиқиб. — Агар адашмасам корхонани ҳамиша шу муаммо қийнаб келган.

— Ким айтди сизга буюртмачи йўқ деб, — суҳбатга қўшилади бош муҳандис Зокир Эгамов. — Бозор талаблари қаттиқ. Ҳамма ҳам ўз молини ўтказишга уринади. Биз ҳам шунга мослаша бошладик. Вилоятда ўтказилаётган тендер танловларида мунтазам қатнашаяпмиз. Масалан, шу йилнинг 21 апрелидаги танловда 37 миллион сўмлик, 18 майдаги танловда 57 миллион сўмлик маҳсулотга буюртма олдик. Биз камида 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз.

Яхши мебель авлоддан авлодга ўтади. Хорижий фирмалар ишлаб чиқараётган ёки қимматбаҳо ёғочлардан махсус ишланадиган буюмларни-ку қўяверинг. Бу аҳолининг харид қобилияти ошиши билан ҳам боғлиқ. Қишлоқлардаги хонадонларда кўп йиллардан буён тутилаётган стол, хонтахта, жавон каби оддий, аммо зарур мебелларнинг кўпчилиги шаҳрисабзлик усталар қўлидан чиққан. Бундан ўн беш йил бурун ўзим сотиб олган стол ва хонтахтадан ҳануз фойдаланамиз. Мен цехда нималар ўзгарганини аниқлашга ҳаракат қилдим. Ўша эски бино, ўша эски ускуналар... Бироқ ишчиларда ишонч пайдо бўлибди. Буюмлар сифатли. Ёш раҳбар ёшлик руҳи, орзуларни олиб кирибди. Мебель ясашда энг муҳим хомашё — сифатли қипиқ тахталар олиб келишибди.

— Ўтган йили Тошкентдаги фирмалардан сотиб олган қипиқли тахтанинг ҳар биттаси 20 минг сўмдан эди, — изоҳ беради фикримни сезгандек Қаҳрамон Исмоилов. — Ҳокимлик, «Шаҳрисабз-консерва» ҳиссадорлик жамияти ёрдам қўлини чўзди. Йил бошида Россиянинг Пермдаги ёғочсозлик комбинатига шартнома асосида консерва жўнатиб, эвазига 2 вагон материал олдик. Ҳамкорлик давом этаяпти. Ҳар битта қипиқли тахта 10-11 минг сўм. Иқтисодни кўтаришимиз керак-да, ахир.

— Шу жойда ишлаётганимга ўн йилдан ошди, — дея ишлаб чиқариш жараёни билан таништиради цех бошлиғи Тўра Амирқулов. — Оғир кунларни кўрдик. Қанча яхши ишчилар кетиб қолишди. Энди материал бор, иш ҳақи вақтида берилаяпти. Ҳозир 20 хил маҳсулот чиқаяпти. Болалар оромгоҳлари, шифохоналар учун нимкатлар, китоб ва кийим жавонлари, қироатхоналар учун столлар ясаяпмиз. Мана, бу металл тагликка ўрнатилган нимкатларни «Шўртангаз» кимё мажмуи ётоқхоналари учун тайёрлаяпмиз. Буюртмачиларнинг истагига қараймиз.

Шубҳасиз, энг кўп буюртмалар мактаблар, ўқув юртлари учун. Биргина мактаб парталари учун 43 миллион сўмликдан ошиқ буюртма олинган. Мактаблар учун металл қисмли стол-стуллар ясай бошланибди. Бунинг учун металл цехи ташкил этилибди.

Аммо корхонанинг бугунги кундаги муаммоси замонавий ускуналар билан боғлиқ. Тажрибали ишчи Шокир Халилов бошқараётган, неча бор таъмирланган пресслаш станоги 1983 йилда келтирилган. Мебелнинг кизагига махсус қоғоз ёпиштирадиган станок 1983 йилдан буён ишлатилаяпти. Таъмирлашяпти, йўқ қисмларни ўзлари ясашаяпти. Эҳтиёж нималарга мажбур қилмайди. Чунки ажойиб усталар ҳаётию турмуш ташвишларини шу корхона билан боғлашган. Бошқа иш қидиришмоқчи эмас. Бу ёқда ёш мебелсозлар етишиб чиқаяпти...

Шаҳрисабз — жаҳон эътиборидаги шаҳар. Президентимиз соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик қутлуғ тўйида қатнашиб, Темурбек набираларининг камолотига катта ишонч билдирган эдилар. Бу йил ЮНЕСКО томонидан Шаҳрисабз Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Шаҳар ўлмас осори-атиқалари билангина эмас, бугунги тараққиёт жараёнлари билан ҳам оламга боқиб турибди. Мебель корхонасидан бир кўча нарида «Оқсарой-тўқимачи» ЛТД ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Биллакашлик корхонаси хорижлик ҳамкорлар билан ишлаяпти. «Мевалар камалаги» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси яхши фаолият кўрсатаяпти. Яна қанча режалар тузилган. Хўш, ёғочсоз усталар ишини давом эттираётган мебель корхонасида замонавий ускуналар қачон ўрнатилади?

Бугун мебелсозлик ҳукуматимиз эътиборида. Бу соҳани ривожлантириш мақсадида учта қарор қабул қилинганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Ҳозир «Файз» холдинг компаниясининг Тошкентдаги бош корхонасида энг замонавий ускуналардан фойдаланилмоқда. «Шаҳрисабзмебель» ҳиссадорлик жамияти ҳам ана шу компания таркибида. Ҳукуматимизнинг янги қарори хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш, ўзбек мебелсозлигини жаҳонга танитиш йўлларини белгилаб бермоқда. Бу Шаҳрисабзда ҳам замонавий мебель корхонаси дунёга келишига умид уйғотади. Ана шунда келажагини соҳибқирон бобомиз сақлаб қолган шаҳрисабзлик ёғочсоз усталарнинг янги авлоди ўз имкониятларини тўлиқ намойиш эта олади. Бу кунлар узоқ эмас.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Яккабоғ туман партия кенгашининг ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида олиб бораётган ташкилий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти ҳақида» туман кенгаши биринчи котиби Ш. Музаффаровнинг ахбороти эшитилди.

Мажлисда ХДП Яккабоғ туман кенгаши бу борада маълум бир ютуқларга эришганлиги, чунончи, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Она ва бола» давлат дастурининг бажарилишидаги иштироки, шунингдек, жамоаларда, маҳаллаларда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш бўйича олиб бораётган ишлари аҳоли ўртасида партия обрў-эътиборини ошишига хизмат қилаётганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, туман партия кенгашининг шу йўналишдаги фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган амалий тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

***

ХДП Хоразм вилоят кенгашида партиянинг парламентчилик фаолиятини такомиллаштириш, партиядан сайланган депутатларнинг олиб бораётган ишлари самарадорлигини янада ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Партия фаоллари ва депутатлар иштирокида ўтган ушбу очиқ мулоқотда депутатлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, тўпланган тажрибалар ҳақида сўз юритилди. Қилинган ишлар чуқур таҳлил этилиб, келгусида депутатлик фаолиятини янада жонлантириш, аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларнинг ҳал этилишига масъулият билан ёндошиш, партия ташкилотлари билан депутатлар ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

***

Қўрғонтепа туман партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. Дилбархон Аҳмедова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Шу кенгашнинг котиби бўлиб ишлаб келган Зулхумор-хон Каримова ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби Саркаржон Раҳимов сўзга чиқди.

***

Андижон шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги фуқаролар йиғинлари раислари ва ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда партия ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

***

ХДПдан халқ депутатлари Олтинкўл туман Кенгашига сайланган Абдураҳмон Мамажоновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни ХДП туман кенгаши биринчи котиби С.Насиббоев олиб борди. Депутат сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Учрашувда депутатнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан тумандаги 28-болалар боғчаси ва «Мамаюсуфбек» маҳалласи газлаштирилганлиги айтиб ўтилди.

***

Шаҳрихон туман партия кенгаши ҳомийлигида тумандаги 16-туғма ногирон болалар боғчаси ташкил этилганлигининг бир йиллиги нишонланди.

Тадбирда болаларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ҲАМ АВТОБУС ҚАТНАР

Тадбиркорлик йўлини тутган шаҳрихонлик Неъматилла ҳожи Кичикбоев «Ўзбегим Сервис» фирмаси қошида йўловчиларни ташиш билан шуғулланаётган хусусий автомобиль ҳайдовчиларининг уюшмасини ташкил қилди. Техник хизмат кўрсатувчи устахонани ишга туширди, зарур иш жойларини ҳозирлади. Ҳаракатлар кенг қўламдаги ишларнинг бошланмаси бўлди.

— Вилоят ҳокимининг «Вилоятда йўловчи ташиш транспорти фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунга туртки берди. Шаҳрихон тумани ҳокимининг тегишли қарори ҳам айни муддао бўлди. Кўнглимдаги орзу-мақсадларимни рўёбга чиқаришга астойдил киришдим, — дейди Неъматилла ҳожи Кичикбоев. — Бизнес режа тузиб, аниқ ҳисоб-китоблар билан «Ўзавтосаноат» ассоциацияси раҳбарларига йўликдим. Улар кўмак кўрсатишди. Самарқанддаги «СамКочАвто» қўшма корхонасида тайёрланган «Ўзотайўл» автобусларидан 20 та сотиб олишимга ёрдам беришди. «Асакабанк» вилоят бўлимидагилар кредит маблағини ажратишди. Аввалдан хусусийлаштирилган жойимизда кичкина автокорхона ташкил бўлди. 40 ҳайдовчи танлов асосида қабул қилинди. Биринчи навбатда Шаҳрихоннинг энг чекка қишлоқларига автобус қатновлари очилди. Абдумўмин Жабборов, Аваздбек Сиддиқов, Қаҳрамонжон Ҳакимов сингари тажрибали ҳайдовчилар хизматидан эл мамнун.

Тадбиркорнинг ҳаракатига Шаҳрихон тумани ҳокимлиги эътиборли муносабатда бўлди. Шаҳрихон шаҳрининг марказидан фирма автобуслари учун шоҳбекат қуришга жой ажратилди.

— Келгусида «Шаҳрихон — Наманган», «Бўз — Андижон», «Шаҳрихон — Андижон» йўналишлари бўйича автобуслар қатновини йўлга қўймоқчимиз, — дейди фирма иш бошқарувчиси Ҳабибулло Маҳмудов. — Ҳар бир йўналишда ҳайдовчиларимиз мактаб ўқувчилари, уруш қатнашчисию ногиронларга бепул хизмат кўрсатадилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

■ Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

СУРАТЛАРДА: *фирмага қарашли автобуслар; автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи уста Аҳмаджон Мамасиддиков ўғли Хусанбой билан; ҳайдовчи Зокиржон Мирзараҳимов.*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ИБРАТ СОҲИБИ

Чин зиёли, тажрибали дипломат, камсукум инсон Абдурашид Исахўжаев. У босиб ўтган умр довонига қараб беихтиёр ҳавас қиласан киши.

Абдурашид Исахўжаевнинг ҳаёт йўли қуйидагича: оддий ишчи, давлат ташкилотлари масъул ходими, халқаро ташкилотнинг Мисрдаги вакили, вазирнинг ўринбосари, Дипломатия Академияси тингловчиси, Жазоирда бош консул... У қаерда ва қайси вазифада меҳнат қилмасин, унинг фаолиятида фидойилик, халқларнинг тинчлиги ва ҳамкорлигига кўмаклашиш, камтарлик, ҳалоллик устунлик қилди.

Мустақилликни бебаҳо неъмат, буюк бойлик деб ҳисоблаган дипломат сифатида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган кунидан бошлаб мамлакатимизнинг дунёга танилиши, унинг жаҳондаги давлатлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда кенгайтириш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Жазоирда дипломатик лавозимда ишлаган пайтда ушбу мамлакатга мустақил давлатимизнинг биринчи қалдирғоч вакиллари — Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат фармацевтика институти раҳбарлари, мамлакатимиз ишбилармонларининг ташрифларини уюштиришга, Ўзбекистон — Жазоир бевосита алоқаларини йўлга қўйишни ташкиллаштиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини боши осмонга етиб кутиб олган А.Исахўжаев ўз юртига қайтгач, божхона тизимида ишлай бошлади, мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи ушбу тизимнинг ташқи дунё билан халқаро ҳамкорлигини кучайтиришга ёрдамлашди, давлатимиз божхона ташкилотининг янги тузилган халқаро алоқалар Департаментига раҳбарлик қилди. Маълумки, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси Бутунжаҳон Божхона Ташкилотига аъзо бўлиб кирди, вакилларимиз унинг қатор йиғинларида иштирок этди, мамлакатимиз божхона тизими юқоридаги нуфузли халқаро ташкилотнинг сиёсий ва молиявий қўмиталарига аъзо бўлди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг тезроқ жаҳоннинг энг ривожланган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли давлатларидан бирига айланиши, унинг дунё ишлари, халқаро муносабатлардаги ўрнининг мустаҳкамланиши учун тер тўкиб меҳнат қилаётган юртдошларимиз қаторида Абдурашид Исахўжаевнинг ҳам борлиги унинг катта бахти. Абдурашиднинг ўзи бу ҳолатни қайта-қайта бахт деб таъкидлайди, давлатимиз раҳбари юргизаётган оқилона ички ва ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистонни жаҳон тан олганлигини, юртимиз дунёнинг обрўли давлатларидан бирига айланаётганлигини мароқ билан сўзлаб юради. А. Исахўжаев шу кунларда ҳам Давлат божхона қўмитасида масъул лавозимда ишлаб келмоқда.

У бугун қутлуғ 60 ёшга кирди. Лекин у худди йигитдай, ҳали умрининг кўплаб ширин, мазмунли йиллари олдинда.

■ **Талъат СОЛИЕВ**

ҲУҚУҚ ВА ҲАЁТ

ПРОКУРОР ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРДИ

Сарлавҳадаги гапни камдан-кам эшитиш мумкин. Лекин қуйидаги мисолда туман прокурори судланувчига нисбатан тайинланган жазони енгиллаштиришни сўраб суд ҳукмига протест келтирди. Натижада юқори суд ажрим чиқариб жазони енгиллаштирди.

Форма кийиб, погон таққан кишиларга баъзилар ҳануз ётқараш қилишади. Шўро даврида милиция, прокурор ва судьянинг вазифаси одамларни қамаш, жазолаш ва қўрқитишдан иборат эди. Шўро ҳуқуқ-тартибот тизими фуқароларни тарбиялаш эмас, жазолаш принципига асослангани учун одамлар, масалан, милицияни кўрса хавфсирашарди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг демократик ривожланиш йўлини танладик. Бу нарса ҳар бир соҳани, хусусан, ҳуқуқий идоралар фаолиятини ҳам демократик принцип асосида қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо қилди. Энди ҳуқуқий идора ходимларига нисбатан одамлар онгидаги шўро давридан қолган ётсирашга барҳам берадиган даврлар келди. Бунинг учун бизнингча, халққа янада яқинроқ бўлиш лозим. Масалан, Америка Қўшма Штатлари фуқаролари орасидан ёзма сўров ўтказилганда энг хушмуомала деб Америка полициясини топилган экан. Бундай халқ ҳурматига аниқки, жарима солиш, дўқ-пўписа қилиш, қамаб юбориш орқали эришиб бўлмайди. Ҳуштак чалган Америка полициячисининг сизга биринчи сўзи «Марҳамат, қандай ёрдам керак?» деган сўз бўлишлиги ҳақида матбуотда кўп ёзилган.

Президентимиз шўро давридан қолган ақидалар билан ишлашдан батамом халос бўлиш ҳақида кўп гапирадилар. Суднинг фақат жазоловчи орган бўлиб қолмаслигини уқтирадилар. Шунингдек, ўтган сессияда жамият учун хавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этган кишиларга озодликдан маҳрум қилиш чорасини қўлламасдан, етказилган зарарни ундириш чоратадбирлари кўрилиб, уни қайта тарбиялашга эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари ҳам ғоятда аҳамиятли, шу билан бирга олижаноб бўлди. Тўғри-да, бундай ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларни қамаб юборишнинг аҳамияти ҳаминқадар. Аввало, етказилган зарар ундирилмайди — бу жамиятга ҳам, давлатга ҳам зарар. Қолаверса, ҳуқуқбузарга хулоса чиқариш, ўзини тарбиялаш учун имконият қолдирилмайди. Юртбошимизнинг бу таклифида эса ана шу иккала ҳолат ҳам инобатга олинган. Ваҳоланки, суд, ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти фақат жиноятни жазолашга эмас, унинг олдини олишга қаратилиши лозим эмасми?! Президентимизнинг юқоридаги олижаноб фикрларига ҳамоҳанг барча ҳуқуқий идоралар ходимлари фаолият юргизсалар шўро даврида қотиб қолган юқоридагидек қарашларга тезроқ барҳам берган бўлардик. Шукрки, бу борада бўлаётган саъй-ҳаракатлар йўқ эмас...

Қамаши туманининг Ойнакўл қишлоғида жойлашган Т. Сафаров номли мактабнинг клубида шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бекмурод Муродов синфдоши Бахтиёр Кўчқоров билан жанжаллашиб қолади ва Бахтиёрнинг бош қисмига оғир шикаст етказади. Натижада Бахтиёр Қамаши туман марказий шифохонасида анча вақтгача даволанишга мажбур бўлади.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Қамаши туман суди судланувчи Муродов Бекмуродга 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Тўғри, Бекмурод жиноят қилди, синфдошининг соғлиғига зарар етказди, бунинг учун у жазоланиши шарт. Бир қараганда суднинг ҳукми ҳам адолатлидай. Лекин, масаланинг иккинчи томони борки, бу бевосита «суд — фақат жазоловчи орган эмас» деган фикрга бориб тақалади. Вояга етмаган Бекмуродга берилган жазо унинг тарбиясига, кейинги ҳаётига нечоғлик ижобий таъсирини ўтказади, бизнингча, худди мана шу нарса жазо тайинланаётганда ҳисоб-китоб палласида туриши керак эди, унинг вояга етмаганлиги ҳам инобатга олиниши лозим эди.

Хуллас, вояга етмаган Бекмурод Муродовга нисбатан тайинланган суд ҳукмига протест келтирилди. Яна ким томонидан денг, туман прокурори томонидан. Мана сизга «прокурор — қораловчи» деган шўро замонидаги қарашнинг омонатлигига мисол. Шундай қилиб туман прокурори И. Насриддинов томонидан келтирилган протест вилоят жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида қисман қаноатлантирилди. Ажримга кўра Бекмурод Муродов зиммасида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилди.

Судланувчи ҳали вояга етмаган бола, ҳали ҳаёти олдинда эканлигини назарда тутсак, қолдирилган беш йил ҳам андак кўпроқ бўлиб туюлиши мумкин. Бу бошқа масала. Лекин бевосита биз қораловчи томон вакили, деб ҳисоблагувчи прокурорнинг жазони енгиллаштириш учун қилган саъй-ҳаракатини ҳуқуқий идоралардаги демократик ислоҳотлар меваси деб айтсак бўлади. Инсон тақдирига, унинг келажагига бефарқ қарамаслик, жазолаш орқали эмас, тарбиялаш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга саъй-ҳаракат айнан ҳуқуқ-тартибот органларининг иш мезонига айланаётганлигини кўриб, шўронинг «погон тақиб форма кийган кишилар фақат қамайдилар, жазолайдилар» деган ақидасининг омонат бўлиб қолганлигини ҳис қиласан. Бу ҳиссиёт, насиб бўлса, фикр сифатида аста-секинлик билан қатъийлашади.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДЕПУТАТЛАР ҚЎМАГИ

ХДПдан сайланган депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажаришда фаол иштирок этмоқдалар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорнинг ижроси депутатлар томонидан алоҳида назоратга олинган. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлари гуруҳи раҳбари, вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Аъзамов мазкур қарор қандай бажарилаётганлигини Янгийўл тумани «Гулбаҳор» саноат касб-ҳунар ҳамда Тошкент туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида ўрганиб чиқди. Ушбу коллежлар раҳбарлари Ҳ. Мамашов ва Ҳ. Илолов билан бўлган мулоқотда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида сўз борди.

Айни пайтда ХДПдан вилоятдаги барча даражалардаги ҳокимият вакиллик органларига сайланган депутатлар, партия ташкилотлари ўқув муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш масаласида фаол иштирок этиб, уларга кўмак уюштирмоқдалар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ҚОРА ҚИЛМИШ

ХОМТАЛАШ УЗОҚҚА БОРМАДИ

Зарарни ундириш иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади

Мустақилликдан сўнг мулк шакллари ўзгарди. Бу мулкий муносабатларга ҳам ислоҳ киритди. Уларни тартибга солишнинг қонуний асослари яратилди. Бунга амал қилиш жамият тараққиёти учун ниҳоятда қимматлидир. Маълумки, демократия, эркинлик дегани аслида қонунлар доирасида, уларга итоат этиб яшашдан иборат, демакдир. Яъни ҳар бир фуқаронинг ўз манфаати йўлида қилаётган ҳаракати қонун доирасида бўлиши лозим. Шунда адолат мезони бузилмайди, давлат ва жамият манфаатларига зиён етмайди.

Инсоннинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам амалдаги қонунларга бўйсуниши шарт. Чунки бирон-бир ҳайдовчи йўл қоидасини бузса, ҳеч кутилмаган оқибатлар келиб чиққанидек, кимнингдир, қаердадир қонунга хилоф иш қилиши ҳам бошқа бир кишига ёки жамиятга зарар етказиши муқаррардир.

«Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи? — дейди Президент Ислом Каримов. — **Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳитида тарбия топганмиз, суягимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига кўникиши ниҳоятда қийин кечмоқда».**

Шунга бир мисол сифатида айрим мансабдор шахсларнинг ўз қўл остидагилар воситасида давлат мулкини ўмариш ҳаракатини қайд этиш мумкин. Бу иллат кечмиш тузумда жуда чуқур илдиз отган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади. Нафси ҳакалак отган юлғич кимсалар бугунги эркинлик шароитида кишибилмас ўз амалини суиистеъмол қилади. Гарчи вақти-соати билан уларнинг қонун олдида жавоб бериши муқаррар бўлсада, ўша кунга қадар ўз кирдикорлари билан умумманфаатга зиён етказади.

Оқолтин туманидаги С.Сиддиқов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раҳбарияти қилган ишни бунга бир мисол сифатида келтириш мумкин.

Бу бирлашмада ишловчилар ҳам ҳар йили кўкламда яхши ният билан ерга уруғ қадашади. Нимага деганда, етиштирган ҳосили ўзларининг ризқ-насибаси, тўкинчилик манбаи, қолаверса, хўжалик тажриба тариқасида ишлайди, ўзлари етиштирган ҳосилга, ундан қайта ишлаб олинган толага ўзлари хўжайин. Буни улар ниҳоятда қадрлашади, шу боис тиним билмай меҳнат қилишади. Ҳақларига хиёнат қилинганини кўрса, ҳақли равишда ранжишади.

1998 йили бирлашма раҳбарияти ўзларининг тор манфаатини ўйлаб, элни ранжитувчи номақбул бир ишга қўл уришди. Ўз навбатида эса бу бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодий жиноятчилик занжирини келтириб чиқарди.

Бирлашма ўша йили режа бўйича 5082 тонна пахта етиштириб бериши лозим эди. Лекин иш ўз вақтида яхши ташкил этилмагани, ғўза парвариши кўнгилдагидек бўлмагани учун ҳосилнинг чўғи мўлжалдагидан паст бўлди, йиғим-терим бошлангач, хўжалик ярим йўлда «чарчаб» қолди. Бундай пайтда, одатда, йиллик режа уддаланмаса ҳам, бор ҳосил нест-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинади, хатолардан тегишли хулоса чиқариб, кейинги йил ҳосилига пухта ҳозирлик кўрилади. Лекин бирлашманинг ўша пайтдаги раиси Аваз Толипов алмисоқдан қолган «усул»да ишни «ташкил» этди. У қўл остида ишлайдиган катта товаршунос Жабборали Эгамбердиевни ёнига чақириб, завод мутасаддилари билан гаплашиш, қандай бўлмасин, тил топишиш, «режани бажариш» лозимлигини уқтирди. Бирлашма пахтасини қабул қилиб оладиган Оқолтин пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонасидагилар эса манфаатли «битим»-дан сўнг бунга рози бўлишди. 239 дона сохта юк хатлари тайёрланди ва йўқ ердан 901 тонна пахта қўшиб ёзиб юборилди.

Халқнинг ҳақидан ҳазар қилмасанг, мўмай даромад топишнинг манбаи сероб. Қўшиб ёзилган ўша пахта «учинчи, бешинчи нав» «қўлда терилган», деб ҳужжатларда қайд этилди. Шундай бўлгач, уни кимдир терган бўлиши керакми? Бунинг учун у ҳақ олиши лозимми?

Яна талай ҳужжатлар расмийлаштирилди, уларда бу пахтани 1663 киши «терган» деб қайд этилди. Лекин ведемостларда исму шарифи зикр қилинган ана шу шахслар аслида йўқ ва ҳеч қачон бирлашма таркибида ишламаган. Гарчи шундай бўлса-да, «ўлик жон»лар ҳисобидан тўрт миллион 505 минг 206 сўм ўзлаштириб юборилди. Пахта терилгач, кимдир уни юклаши, яна кимдир ташиши, кимдир тушириши керак. Шундай қилиб, яна қалбаки ҳужжатлар, ведомостлар тайёрланади ва яна 99116 сўм ўзлаштирилди. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга линт, улюк, пух маҳсулотлари тарқатилди, деб яна кўзбўямачилик қилинди ва яна бир миллион 41 минг сўмдан ошиқ маблағ талон-торож қилинди. Шу тариқа ўша йили С. Сиддиқов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига пахта ҳосили бўйича жами 15 миллион 627 минг сўм зарар етказилди.

Мана шундай вазиятда меҳнаткашни рози қилиш, ишни юргизиш, хўжаликнинг қаддини ростлаш мумкинми ўзи?

Ҳаёт шундайки, йўқдан бор бўлмайди. Заводдаги С. Сиддиқов номли бирлашмага қарашли пахта уюмлари миқдоридан 901 тонна камомад келиб чиқаверди. Қандай бўлмасин уни «ёпиш» керак эди. Шу мақсадда корхонанинг бош иқтисодчиси Шуҳрат Шоймонов «енг шимариб» ишга киришди. У 1999 йилнинг 2 январидан 5 мартигача бу хомашё қайта ишланиб, 166 тонна тола олинди, деган ясама ҳужжатни расмийлаштирди. Ҳолбуки, бу даврда пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонасида иш узил-кесил тўхтаган, яъни хўжаликлардан қабул қилиб олинган ҳосил тўлиқ қайта ишлаб чиқилган, январдан эътиборан ишчи ва хизматчилар меҳнат таътилига чиқарилган эди.

Бу мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг бирдан-бир йўли — яна кўзбўямачилик қилиш, толани «фалон корхона харид қилган» деган расмий ҳужжат тўғрилашдан иборат эди. Қолаверса, бу ҳужжатни берадиган одам ишончли, шу билан бирга бирон бир тўқувчилик корхонасининг раҳбари бўлиши лозим эди, албатта.

Шу мақсадда бирлашманинг катта товаршуноси Жабборали Эгамбердиев билан пахта тозалаш ҳиссадорлик корхонаси тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Пиримқул Кураматов иккаласи Тошкентга келишади ва бу ерда Жабборалининг эски таниши Фарғона шаҳридаги «Баркамол» ип йигирув ва газлама тўқув ҳиссадорлик корхонаси директори Ўринбосари Араб Усмонов билан учрашади, улар ўзаро жиноий тил бириктиришади. Араб Усмонов, бизнинг корхона ҳақиқатан ҳам 100 тонна тола олди, деган ҳужжатни тўғримонов мана шу жараёнда жами 17 миллион 210 минг сўмлик маҳсулотни талон-торож қилган...

Риштон ип йигирув фабрикаси бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган Ўринбой Юсуповнинг кўргазмасига кўра, олинган толадан 916 минг метр газлама ишлаб чиқарилган. Қолган 522 метр газлама ҳам ўша даврда 22 миллион 449 минг сўм қийматга эга бўлган...

Суд мажлисида сўроқ қилинган айбланувчи Жабборали Эгамбердиев кўпгина айблари билан бирга яна бир айбига иқрор бўлганки, бу жуда характерлидир. У «Баркамол» корхонасига 98 тонна юқори навли толани «нави паст» деб расмийлаштириб жўнатганини, биргина мана шу ҳисобдан давлатга 4 миллион 200 минг сўм зарар етказганини очиқ тан олади. Яъни, у бешинчи нав, қиймати 5 миллион 667 минг сўм, деб белгиланган хомашё аслида учинчи ва тўртинчи нав бўлиб, қиймати 10 миллион 17 минг сўмдан ошиқ эди.

Президент Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида давлат мулкига тажовуз қилган кимсалардан етказган моддий зарарни ундириб олиш лозимлигини, бу уларга муносиб жазо бўлиб қолмай, иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Бу оқилона сиёсат замирида улкан инсонпарварлик мужассам, албатта, буни тушуниш ва қадрлаш керак.

Юқорида тилга олинган жиноят иши бўйича тергов жараёнида биз шу йўлни тутишга ҳаракат қилдик. Маълумки, жиноят-процессуал Кодексининг 84-моддасига биноан биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этган, қилмишидан пушаймон бўлган ва келтирган зарарини тўлашдан бўйин товламаган кимсаларга енгиллик берилади. Тергов жараёнида айбланувчилар мана шу имтиёздан фойдаланишлари учун тўла шарт-шароит яратиб берилди. Чунки айрим бригадир, ҳисобчи ва ҳосилотлар бу иқтисодий жиноятчиликка билиб-билмай аралашиб қолишган эди. Уларнинг кўмаги билан жиноят тўла очилди. Дастлабки тергов давридаёқ 15 миллион сўм маблағ айбдорлар томонидан давлатга топширилди. Албатта, тергов ва судда шунга яраша уларга енгиллик ҳам берилди. Лекин масаланинг бир томони кишини ўйлантиради.

Биз оғир даврларни ўз бошимиздан ўтказдик. Қийинчиликлар ортда қолди.Бугун турмуш фаровонлиги, Ватан тараққиёти сари дадил қадам ташламоқдамиз. Мана шундай бир пайтда барча ҳамжиҳат бўлиши, тўртта одамга бош бўлган раҳбар ҳар жиҳатдан ўзгаларга ибрат кўрсатиши лозим. Агар унинг ўзи бунинг аксини қилса, қонунни назар-писанд этмаса, бундан жамиятга нафақат моддий, балки жиддий маънавий зарар етади. Қонунга хилоф ҳар қандай хатти-ҳаракат бошқаларнинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бундан бир неча йил муқаддам Юртбошимиз қонунларга ҳурмат билан қараш, умуман жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳуқуқий маданиятни янада ўстириш лозим эканини алоҳида уқтирган эди. Ҳақиқатан ҳам, жамоатчилик назорати қанчалик кучли, кишиларимиз қанчалик фаол бўлса, турли хил жиноятлар шунча кам, иқлим шунчалик мусаффо бўлади. Бу эса ҳар биримиздан ҳаётга ёниқ муносабатда бўлишни тақозо этади.

■ **Эрқўзи БОЙБЎТАЕВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

ТАБИАТ — ТИЛСИМ

ФАКТ ВА БАШОРАТЛАР ҚУРШОВИДА

ЁКИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРОРАТ НЕГА КЎТАРИЛДИ?

Республикамизда кейинги икки ой (май-июнь) давомида ҳаво ҳароратининг меъёрдан анча юқори бўлиши кузатилди. Ҳароратнинг юқори даражада сақланиб туриши қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида мураккабликларни келтириб чиқариши баробарида, аҳоли учун бирмунча ноқулайликлар туғдирди. Хўш, Ўзбекистон иқлим шароити учун хос бўлмаган бундай юқори ҳароратнинг юзага келишидаги омиллар нимада?

Мутахассисларнинг фикрича, республикамиз иқлим шароитида ойлик ўртача ҳарорат май ойида 18-23 даража, июнь ойи учун 24-29 даража меъёр ҳисобланади. Тошкент шаҳри учун май ойида ўртача ҳарорат 20 даража, июнда 25 (24,9) даража бўлиши меъёрий кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар турли йилларда турли сабабларга кўра ўзгариб келган. Масалан, 1966, 1977, 1988 йилларда Тошкентда ўртача ҳарорат меъёрдан 2,5 даражагача ошган. Бу кўрсаткич айни кунларгача республикамиз иқлим шароити учун энг юқори ҳисобланиб келди. Жорий йилнинг май-июнь ойларида кузатилган ҳаво ҳарорати бу кўрсаткич янада кўтарилиши мумкинлигини исботлади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда жорий йилнинг май ойида ўртача ҳарорат меъёрдан 3-6 даража, июнь ойида 1,4-3 даража юқори бўлди. Тошкент шаҳрида ойлик ўртача ҳарорат майда меъёрдан 5 даража, июнь ойида 3,3 даража юқори бўлди. Метеорология нуқтаи назаридан қаралганда, мазкур кўрсаткич Ўзбекистон иқлим шароити учун экстремал (жуда юқори) ҳарорат ҳисобланади. Ўзбекистон гидрометеорология маркази масъул ходими Фотима Қосимованинг айтишича, бундай юқори ҳарорат республикамизда яқин 50 йил давомида кузатилмаган. Тўғри, ҳароратнинг кўтарилиш ҳолати ўтган йилларда ҳам қайд қилинди. Масалан, Тошкент шаҳрида 1994 йил июнь ойида ўртача ойлик ҳарорат меъёрдан 1,9 даража, 1997 йилда 1,7 даража ошган. Тошкентда ўтган йилнинг май ойида ҳарорат меъёрдан 2,2 даража, июнь ойида 1 даража юқори бўлган. Ана шу рақамларга таяниб айтиш мумкинки, ҳарорат республикамизда жорий йилнинг май-июнь ойларида ўзининг юқори нуқтасига чиқди.

Ҳароратнинг бу тарзда кескин ўсишига турлича сабаблар бор. Ўзбекистон гидрометеорология маркази ходимларининг фикрича, бундай ҳарорат жанубдан келган иссиқ ҳаво натижасида юзага келган. Метеорология фанининг бошқа етук мутахассислари ҳам шу гапни айтишмоқда.

Иқлимшунос Сергей Мягковнинг фикрича, иқлим ўзгаришида экологик фалокатларнинг ҳам «улуши» бор. Жумладан, Орол денгизи ҳавзасида сақланиб қолаётган экологик танглик иқлимнинг бундай ўзгаришида етакчи омил бўлиши мумкин. Шунингдек, Тинч океанида кузатиладиган Эль-Ниньо оқими ҳам таъсир этади. Дунёнинг кўплаб минтақаларида мазкур оқимнинг салбий оқибатлари аниқланган. Кейинги ўн йил мобайнида юз берган жаҳондаги иқлим ўзгаришлари ҳам ҳаво ҳарорати барқарор сақланишига раҳна солмоқда. Шу сабаб турли минтақаларда мавжуд иқлим шароити учун хос бўлмаган об-ҳаво кузатилмоқда.

Буларнинг барчаси илмий асосга таянилмаган башоратлар, холос. Сергей Мягков иқлим ўзгаришларининг ҳаво ҳароратига таъсир жараёнини аниқ далиллар воситасида кўрсатиш мураккаб эканлигини, бу кўп вақт талаб қилиши ва шу сабаб бу борада фақатгина башорат қилиш мумкинлигини уқтиради.

Нима бўлганда ҳам республикамизда май-июнь ойларида ҳароратнинг юқори даражада сақланиши қайд қилинди. Бу — факт. Мутахассисларнинг фикрича, 1 июлдан ҳаво ҳарорати Шимоли-ғарбдан кириб келган нисбатан салқин ҳаво натижасида 5-7 даражагача пасайди. Бу об-ҳаво 8 июлгача сақланиб туради. Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар беришларича, иқлим шароити ва ҳарорат ўртасидаги мувозанат барқарорлашуви кутилмоқда. Демак, хавотирга ва башоратга ўрин йўқ!

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Япония ташқи ишлар вазири Макико Танака Россиянинг Курил оролларидаги Жанубий Кореянинг балиқ овловчи кемалари киришига рухсат берганидан норозилик билдирди. Хабарларга кўра, М.Танака Россия ташқи ишлар вазири И. Ивановга йўллаган мактубида, кореялик балиқчиларнинг Курил оролларига киритилиши Японияда жиддий норозилик уйғотиши ва Япония — Россия муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтиб ўтган.



СУНЪИЙ ЮРАК ЎРНАТИЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг шифохоналаридан бирида жаҳон табобати тарихида биринчи марта инсон танасига механик тарзда ишлайдиган сунъий юрак ўрнатилди. Беморнинг исми-шарифи ҳозирча маълум қилинмаган. Матбуот хабарларига қараганда, сунъий юрак инсоннинг асл аъзоси каби ишламоқда.

МУДДАТ УЗАЙТИРИЛАДИ

Оқ уй маъмурияти «Толибон» ҳаракатига қарши қаратилган иқтисодий жазо муддатини узайтиришга қарор қилди. Миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан биз шундай йўл тутишга мажбурмиз, деди президент Жорж Буш.

АҚШ ушбу жазони икки йил илгари, «Толибон» ҳаракати халқаро террорчи Усама бин Лодинга бошпана берганидан сўнг жорий қилганди.

ЁНИЛҒИ МУАММОСИ

Зимбабведа ёнилғи маҳсулотлари нархи кескин кўтарилди. Бу эса оммавий намойишларга сабаб бўляпти. Ҳукумат фақат одамларни намойишни тўхтатишга чақириб, бундай ҳаракат мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда, холос.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Хитойнинг жанубий вилоятларида юз берган кучли довул туфайли уч миллиондан зиёд киши бошпанасиз қолди. Ҳисоб-китобларга кўра, табиий офатдан кўрилган моддий зарар 400 миллион АҚШ долларидан ошиб кетган. Гуандун вилоятида уч киши бедарак йўқолган. Қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

ГЕРМАНИЯ МАНЗАРАЛАРИ

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган банкни биласизми?

ҲА, ТЎҒРИ ТОПДИНГИЗ - БУ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИДИР.

2001 йил 1 мартдан мижозлар эътиборига ҳавола этилган Халқ банкининг «Аср совғаси», «Бахтли болалик», «Кексалик гашти» омонатлари қисқа давр ичида замондошларимизнинг ҳаётбахш умидларини ҳақиқатга айланишида яқин молиявий кўмакдош бўлди. Ушбу омонат турлари бўйича 3 ой муддат ичида 15 мингдан зиёд ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқ билан ҳамнафас Халқ банки ватандошларимизга янги турдаги «Кафолат» омонатини тақдим этади. «Кафолат» омонатига 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда кирим бадали қўйиб, ойлик 2 фоиз миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз. Мазкур омонат олти ойлик муддатга қабул қилиниб, сақлаш муддати тугагач, Сизнинг мурожаатингизсиз ҳам банк омонат қолдиғига фоиз даромадларини қўшади ва омонатни кейинги муддатга узайтиради.

«Кафолат» омонати — Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Кафолатли банкнинг кафолатли омонатлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати – бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади.

БИТИРУВЧИЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

«АГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ «ТРАКМАШАГРО» ОАЖ ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Қишлоқ хўжалик техникаси: А01-М, Т-28, МТЗ-80, СМД-14, 17, 18, 20, 22, ДТ-75, Т-180, Т-150, Т-170, ЮМЗ.

Юк автомобиллари: КамАЗ, МАЗ, ЗИЛ-130, ГАЗ-51, 52, 53, ЯМЗ 236-238, УАЗ-469 ва бошқалар сотилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-«а» уй.

(Мўлжал: қишлоқ хўжалиги техникаси базаси)

Тел.: (371) 191-81-52, 96-63-21.

Табиий гиёҳлар билан умуртқа поғонасидаги ўсимталарни, тутқаноқ, ДСП ички бош мия қон босимини, сил касалини (туберкулёз) ва бўқоқларни даволаймиз.

Маълумот учун телефон: 46-57-94.

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Комиддин Жалолович ҲАМРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

«ОЗОД МАРД УЛДИРКИ...»

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Истиқлол даври мустамлака йилларида шахсияти ва мероси атай яшириб келинган сиймоларни таниш ва уларнинг маънавий меросларидан баҳраманд бўлиш имконларини очди.

Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асари ана шундай даҳо шахсиятлар, валий зотлар, маъно оламининг дарғалари зикр қилинган беқиёс илмий-маърифий, қомусий ёдномадир.

Мустақиллик шарофати билан асар илк марта Алишер Навоийнинг мукаммал асарлар тўплами 17-жилдида тўлиқ нашр этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан амалга оширилган бу нашр халқимиз маданий-маърифий ҳаётида улкан воқеадир.

Навоий бобомизнинг фидокорлиги, инсонпарварлиги, барча миллатларга бағри очиқлиги, миллатсеварлиги, миллий маданият ва тафаккурга, маъно оламига хайрихоҳлиги бу кун ҳам биз ворисларига ибрат ва сабоқдир. Чунки у зот «Насоим ул-муҳаббат» асарида бутун жаҳон валийларига меҳр кўрсатиб, 770 нафар азиз сиймоларни зикр қилган.

Бобомиз мазкур китобда буюк муҳаббат билан ёд этган қомусий сиймолардан бири Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий-Румий ҳазратларидир.

Мавлоно Жалолиддин Румий қомусий аллома, Мавлавия тариқати асосчиси, муршиди комил, шайх, шоир, мутафаккир, ориф ошиқ, валий зот бўлганлар. Навоий китобда дастлаб у зотнинг ҳижрий 604-санада, робиъул-аввал ойининг 6-куни Балх шаҳрида туғилганларини маълум қилади.

«Насоим-ул-муҳаббат»нинг қиммати тағин шундаки, Навоий унда улуғ зотлар ҳаётидаги ибратли воқеалар билан бирга, уларнинг ҳикматли сўзларини ҳам келтиради. Мавлоно ҳикматлари ҳам асарни зийнатлаган. Чунончи, Румийнинг ушбу сўзи зикр қилинади: «Ва дебтурки, «Қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонга етмагай, аммо домдан йироқ бўлгай. Ҳамул нав, агар киши дарвиш бўлса (яъни пирга қўл бериб, тариқат аҳлидан бўлса), агар дарвишликка етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлгай (халос бўлгай) ва дунёнинг заҳматидин сабукбор бўлғайки, «нажо ал-махфун ва ҳалок ал-масқулун». Ҳикматнинг содда баёни: «Қуш осмонга учса, гарчи осмонга етмаса ҳам, аммо тузоқдан узоқлашади». Мавлоно бу озодлик маъносини «Маснавий»да бундай баён қилганлар:

Ҳеч пишиқ ҳолин тополмас, кимки хом,
Эй ўғил, сўз қисқа бўлғай, вассалом:
Ҳар неча гар сийму зарга бандисен,
Бандларинг уз, бўлғил озод энди сен!

Бир куни Мавлоно муридларидан бирини малул — қайғули ҳолда кўриб, бундай дейдилар: «Барча маломат (яъни бутун ғамгинлигинг) бу оламга кўнгил боғлагондандур. Ҳар дамки, бу жаҳондин озод бўлғайсен ва ўзингни ғариб билгайсен ва ҳар рангки, боқсанг ва ҳар махзанки (ҳар хазинаки) топсанг, билсангки, анинг била қолмағунгдур ва ўзга сори боргунгдур, ҳеч маломат ери қолмағай». Яъни, ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини англасанг, қайғуришга ҳеч ўрин қолмайди, демоқчилар.

Навоий ҳаётбахш ҳикматни келтирган. Бу ўринда «жаҳондин озод бўлмоқ» беҳуда, ўткинчи нарсаларга боғланмаган ҳолда, ишқи илоҳий билан покланиб, ғайрат-шижоат, муҳаббат ва матонат билан яшамоқликдир.

Яна бир ҳикмат: «Ва алар дебтурларки, «Озод мард улдурки, биров ранжида қилғондин ранжида бўлмағай ва жавонмард улдурки, ранжида қилурға мустажиб бўлғонни ранжида қилмағай». Яъни: «Ҳақиқий озод мард шундай кишики, биров ранжитган билан ранжимайди. Жавонмард шундай кишики, ранжитишга сабабчи бўлган кимсани асло ранжитмайди».

Булар юксак инсонийлик, гўзал ахлоқ намуналаридир.

Навоий асарда Мавлононинг Шайх Рукниддин Алоуддавлага бағоят хуш келган бир сўзини шавқ билан зикр қилади. Мавлоно ходимдан (уй аҳлидан): «Уйда бирор нарса борми?» деб сўрасалар, у: «Йўқ» деб жавоб берса, ҳазрат хурсанд бўлиб: «Бу кун бизнинг уйимиз ҳазрати Пайғамбарнинг уйларига ўхшайди!» деб шукр қилар эканлар. Агар ходим: «Таом тайёр!» деб жавоб берса, авзойлари ўзгариб: «Бу уйдан бугун фиръавн уйининг иси келади» дер эканлар.

Бу адаб, парҳезкорлик, сабр-қаноат, юксак маънавий камолотга мисолдир.

Навоий бобомиз севиб ардоқлаган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг энг улуғ асари «Маснавий маънавий»дир. Бу асар мажоз йўлида битилган ҳақиқат ёдгорлигидир. Кўп шукрки, менинг «Маснавий» билан боғлиқ айрим қувончларим бор.

1991 йили — мустақиллик арафасида Дўрмондаги ижод уйида эдик. Устозимиз Нажмиддин Комилов «Маснавий»нинг асл форсий нусхасидан бир парчани жорий имлога кўчириб, менга тақдим этдилар. Асар қалбимга ўрнашди. Ажабки, кўп ўтмай, Ёзарлар бирлигининг таклифи билан Мавлононинг юртларига бориб қолдим ва Кўнё шаҳрида Ҳазратнинг мақбараларини зиёрат қилишга мушарраф бўлдим.

Марҳум Шайх, доктор, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларининг «Тасаввуф ва муҳаббат» асарларини ўқиб, «Маснавий» шарҳини учратдим, бу асарни севиб таржима ҳам қилдим. Унда аллома валийлик назари билан «Маснавий» моҳиятини, Мавлононинг мақсад ва ишоратларини очиб юборганлар. Нақшбандия, Кубравия ва бошқа тариқатлар билан бирга Мавлавия тариқатидан ҳам ижозатлик бўлган бу зотнинг шарҳи «Маснавий»ни англаш учун инсонга бир йўналиш бўлади.

«Маснавий»ни ўгириш учун тил билиш кифоя қилмайди. Исломий маърифат, Қуръон тафсирлари, ҳадис таълимидан ҳам хабардор бўлиш шарт. Чунки у маънолар хазинасидир. Ҳозир «Маснавий»нинг турли таржималари пайдо бўлаяпти. Жумладан, нашр этилган шарҳ маданий ҳаётимизда жиддий воқеадир. Бу жараён таржимонларни ҳушёр торттиради. Ушбу қутлуғ ишга поклик, ҳалоллик, масъулият, ихлосу муҳаббат билан ёндашишга ундайди. Шу боис, мен муҳтарам ўқувчиларга тақдим этаётганим ушбу парчани таржимонлик даъвоси билан эмас, балки ихлосу муҳаббатим, ички эҳтиёжим билан ўгирганман. Улуғ Алишер Навоий бобомиз сабаби билан Ҳазрати Мавлонога юзланган бўлдик. Аждодлар руҳи шод бўлсин!

■ **Мирзо КЕНЖАБЕК**

Мавлоно Жалолиддин РУМИЙ

МАСНАВИЙ МАЪНАВИЙ

Тинглағил, най не ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур:
Бас, қамишзордан мени чун кесдилар,
Додима эркак-аёл оҳ туздилар.
Истагайман бир фироқ эзган бағир,
Иштиёқ дардин анга айтай, ахир:
Ҳар киши тушса йироқ ўз аслидан,
Қайта истар ул ҳаёти васлидан.
Ҳар жамият ичра йиғлоқман бу кун,
Ғамгину шодонга ўртоқман бу кун.
Ўз хаёли бирла ҳар ким менга ёр,
Изламас, бағримда не асрор бор!
Сирларим ноламдан эрмасдир йироқ,
Кўз, қулоқларда бу нур йўқдир бироқ.
Танга жону жонга тан пинҳон эмас,
Жонни кўрмоқ бандага имкон эмас.
Ўт-оловдир най фиғони, ел эмас,
Кимда бул ўт бўлмаса, йўқ бўл абас!
Ишқ ўтидирким, тушибдир найга ул,
Ишқ жўшидирким, тушибдир майга ул!
Ким жаҳондан кечди, най дўстдир, басе,
Пардамизни йиртди найнинг пардаси!
Най каби бир заҳру тарёк кўрди ким?
Най каби дамсозу муштоқ кўрди ким?
Қонли бир йўл қиссасин сўйлайди най,
Ишқи мажнун қиссасин куйлайди най.
Бас, бу ҳушнинг маҳрами беҳуш эрур,
Тилга ҳам ҳаргиз қулоқлар эш эрур.
Ваҳки, бизнинг ғамда кунлар бўлди тун,
Бўлди ҳар бир кунга йўлдош ўтли ун.
Кетса кунлар, айтки: «Кетгил, бок йўқ,
Эй, фақат сен қолки, сендек пок йўқ!»
Сувга ким тўйди балиқдан бошқа ҳеч?!
Кимки бўлса бенасиб, кун бўлди кеч!
Ҳеч пишиқ ҳолин тополмас, кимки хом,
Эй ўғил, сўз қисқа бўлғай, вассалом:
Ҳар неча гар сийму зарга бандисен,
Бандларинг уз, бўлғил озод энди сен!
Гар бутун денгизни бир кўзанга сол,
Қанча сиғсин? Кундалик ризқингни ол!
Балки, оч кўз кўзаси ҳеч тўлмагай,
То садаф қонмас, у пурдур бўлмагай.
Кимки ишқдан гар либоси чок бўлур,
Ҳирсу ҳар айбдан у одам пок бўлур.
Ишқи хушсавдомиз, эй, шод бўл ўзинг,
Барча иллатлар табиби — ул ўзинг!
Эй, давойи кибр ила номус ўзинг,
Бизга Афлотуну Жолинус ўзинг!
Ишқ ила етди фалакка хок вужуд,
Рақс этиб тоғ ҳамки чаққон бўлди зуд.
Бўлди ишқ Тур тоғига жон, ошиқо,
*Тур мастдир, «хорро Мусо соиқо...»**
Найга дамсоз лабни жуфт этдимман-о,
Най каби ўз айтарим айтдимман-о.
Кимки ўз тилдошидан бўлди жудо,
Қолди тилсиз, қилса ҳам у юз наво.
Чунки гул кетса, гулистон ўтди, бас,
Энди булбул саргузаштин сўзламас.
Ҳамма маъшуқ бўлса, ошиқ пардадир,
Зинда маъшуқ бўлса, ошиқ мурдадир.
Чунки ишқ гар қилмаса парвой анга,
У қанотсиз қуш кабидир, вой анга!
Менда хуш нетсинки, ҳар ёнимда гар
Нури Ёрим бўлмаса жонимда гар!
Истагай ишқ: ташга чиқсин ички сўз,
Оина — ғаммоз, этар сир кўз-кўз.
Оинанг, билгил, нечун ғаммоз эмас,
Бас, юзида занги бор, мумтоз эмас.
Тингланг, эй дўстлар, этай бир сўз баён,
Бул — ҳақиқат, ҳолимиз анда аён.

■ **Форс тилидан М. КЕНЖАБЕК таржимаси**

* *Курьони Каримдан*

ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

«СИЗ ШВЕЙЦАРИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?»

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Сиз Швейцария ҳақида нималар биласиз?» мавзуидаги викторинани ўтказяпти. 19 июль куни саволларнинг тўғри жавоблари, 26 июлда эса ғолиблар эълон қилинади. Викторина ғолибларига совринлар Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирда тақдим этилади. Викторинанинг асосий ҳомийлари:

1. «Ciba махсус кимёвий маҳсулотлари» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **Соврин — «Самсунг» фирмасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, плёнкалари билан.**

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАУ. **Соврин— «PANASONIC» телефони, «Caller ID System» билан «Rowenta» фирмаси ишлаб чиқарган дазмол.**

3. Алексей Назаров номидаги тиббий марказ. **Соврин — шейпинг ва бошқа машғулотлар учун ойлик рухсатнома.**

4. «Nestle» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **5 та рағбатлантирувчи соврин — Nescafe савдо белгиси туширилган кружка ва соатлар.**

5. Маълумотлар тарқатиш бўйича ҳомий: **«Ўзбекистон овози» ва «ПрессТИЖ» газеталари ҳамда «Гранд» радиоси.**

Викторина шартлари:

Тўғри жавобларнинг тагига чизиб, купонни тўлдиринг ва эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида конвертни почта орқали жўнатиб юборинг (жавобнинг юборилган куни штемпель билан кўрсатилган бўлиши керак).

Белгиланган муддатгача юборилмаган жавоблар ҳисобга олинмайди.

Жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-«а» уй.

«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти

КУПОН

Ф. И. Ш.: _____

Манзил _____

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

1. Швейцариядаги энг кичик жамоанинг номини айтинг.
а) Мериеб б) Ла Шони в) Каммерсор

2. Швейцарияда соат ишлаб чиқарадиган фирмаларни биласизми?
а) Tisso, Longines б) Danon, Elf
в) Spektor, Ellesse

3. Швейцария жаҳоннинг энг мустаҳкам суғурта қилинган давлати рекордига эгами?
а) Ҳа б) Йўқ

4. Швейцария БМТ аъзоси ҳисобланадими?
а) Ҳа б) Йўқ

5. Швейцариядаги энг катта тўғоннинг номини айтинг.
а) Гранд Диксонс б) Мовазан
в) Шандолин

6. «Юстиция» китобини ким ёзган?
а) Макс Фриш б) Герман Хесс
в) Фридрих Дуренмат

ЎҚИНГ, ҚИЗИК!

МУКОФОТГА ОЛИНГАН... ИЛОН ТЕРИСИ

Хоразмнинг Боғот туманидаги «Туркманистон» элатида ажойиб инсон умргузаронлик қилади. Аслида қаҳрамонимиз олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор — вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида докторлик иши ёқлаган ягона инсон. Ва аёли вилоятда аёллар орасида биринчи бўлиб қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлигини ёқлагани ҳам бор гап.

Деҳқончиликка ўч одам. Бўш вақти бўлгунча полизда куймаланади. Қиши билан иссиқхонадан чиқмайди. Рўзғорини асосан шу томорқасидан келган даромад ҳисобига юргизади. Ҳазилкаш. Қачондир, кимгадир айтган ҳазилнамо гап-сўзлари аллақачон эл орасида латифага айланиб улгурган. Ниҳоятда камтар, камсуқум.

Энди қаҳрамонимизни таништирайлик — профессор Аҳмад ҳожи Хоразмий (ҳозирда «Хоразмий» рутбаси исмига расман битилган барҳаёт ягона одам ҳам шу!)

Йўқ, мавзуни илм оламидан танламадик. Профессор Хоразмий ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Ҳатто хорижда португал тилида (бу тилни она тилидек билади) докторлик илмий ишини ёқлагани бор гап.

Олимнинг мўъжазгина иш хонаси деворида ғаройиб бир экспонат осиғлиқ туради. Бир кўрган одамнинг капалаги учади — нақ беш метр келадиган питон — бўғма илоннинг териси. (Бундай ноёб экспонат ҳатто табиат музейларида ҳам камёблигини айтиб ўтиш керак).

Ана шу улкан илон пўстининг ўз тарихи бор. Олим бу ҳақдаги ҳикоясини унчалик хушламай (асли мақтанишни ёмон кўрадиган одати ҳам бор-да) бошлайди. «Мозамбикда ишлаган пайтимдан хотира» дейди. Сал шошқалоқроқ суҳбатдош: «Бу матоҳни сотиб олдингизми?» деб сўраб қолиши мумкин.

«Йўқ, — дейди профессор. — Буни менга мукофот ўрнида беришган. Шундан хотира-да...»

Воқеа эса бундай кечган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ёш илмий ходими 1981-84 йилларда Африкадаги Мозамбик Республикасида илмий тадқиқотлар олиб борган, маҳаллий шароитда пахта етиштириш масалалари билан шуғулланган.

Маълумки, Африканинг гир атрофи океан. Одам оёғи етмаган чангалзорлар ҳам шу ерда. Ер шаридаги энг камёб, энг ғаройиб ҳайвонот олами ҳам шу қитъада.

— 1984 йилнинг январь ойи охирлари эди, — дея ҳикоя қилади профессор. — Кундуз соат ўн яримлар. Биз тадқиқот ўтказаётган юз-юз эллик метрлар нарироқда қий-чув кўтарилди. Аёлларнинг ташвишли товушларидан ҳовлиқканча биз ҳам шу томонга югурдик. Қарасак, бир негр аёли оғзидан қон келиб, ўлим талвасасида ётибди. Мен дарҳол аёлнинг бош томонини кўтариб, оғзига сув томизмоқчи бўлиб, ерли халқ вакилларига «Ёрдам беринг, касалхонага олиб борамиз» деб қуюнсам, улар пинакларини ҳам бузмасдан қўл силташди: «Фойдаси йўқ, ҳозир ўлади». Ҳақиқатан ҳам аёл орадан уч-тўрт дақиқа ўтмасдан жон таслим қилди.

Фожиа тафсилоти қўрқинчли эди. Икки нафар аёл эндигина тетапоя бўлиб юра бошлаган болаларини дала бошида қолдириб, далада иш бошлашган. Болалардан бири бирданига чийиллаб йиғлаган. Бориб қарасалар, беш метрлар келадиган бўғма илон — питон болалардан бирини эндигина бош томонидан юта бошлаган экан. Она жон ҳолатда боласини олмоқ бўлиб, илонга ташланади. Питон бўлса, оғзидаги ўлжасини ташламасдан айни бир вақтда онаизорни ҳам шартта узун танаси билан ўраб, маҳкам бўғиб, унинг суякларини синдириб ташлаган ва чангалзорга кириб кетган.

Бундан қўрқувга тушдим. Ҳеч бўлмаса норасида боланинг жасадини ваҳший илон ошқозонидан олиш кераклигини ўйладим. Шу ерда тўпланган ёш-ялангларга кимки илонни тутиб ёки ўлдириб келса, катта мукофот беражагимни уқтирдим. Улар шу қишлоқда илон овлайдиган икки овчи борлигини айтишди ва уларни излаб кетишди.

Эртасига улар илоннинг ўлигини судраб келишди. Илонни ёриб кўрсак, бола жасади эзилиб кетибди... Мен уларга ваъда қилган мукофот — пулни бердим ва овчилардан илон пўстини шилиб беришларини сўрадим.

Девордаги мана шу экспонат ўша питон териси.

Дарвоқе, илонни овлаш усули ҳақда. Маълумки, бўғма илон бирор ўлжасини бир ямлаб ютиб юборгач, чангалзорнинг қуюқроқ жойига кириб ухларкан. Худди шу пайтдагина ғафлатда қолган илонни овлаш — уни зудлик билан ўлдириш мумкин бўларкан.

Бу воқеага ишонмай қараган бирорта суҳбатдош сўраб қолади: «Питонлар ҳам ўзимиздаги илонлар каби маълум вақтда пўст ташлашармикан?». «Ҳа, ташлайди, дейишади, — дея гапида давом этади олим. — Аммо табиий тарзда ташланган пўстдан шилиб олинган тери ўртасида осмон билан ерча фарқ бор-да, оғайни. Табиий ташланган пўст «истеъмол қилиниб», адо бўлган, ҳилвираги бўлади. Сунъий тарзда шилиб олингани бошқа. Мана бундай қалин. У узоқ вақт бузилмай, ўз ҳолича тураверади».

Биз эса кўнглимизга келган саволдан ўзимизни тиёлмаймиз: «Бир она ва боланинг қотилини... уйда эсдаликка сақлаш қандай бўларкин?». Олимни бу саволимиз довдиратмайди: «Инсон ҳам, илон ҳам табиатнинг фарзанди. Неча минг йиллар давом қилаётган табиатнинг яшаш учун кураш қонуни — инсон ва ҳайвонот олами ўртасидаги хунрезликлар қачондир барҳам топиши керак. Бу пўст менга ана шу номутаносибликни эслатиб туради».

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СПОРТ

УМИДБАХШ ҒАЛАБА

Ўзбекистон футбол терма жамоасининг Малайзияга қилган сафари муваффақиятли якунланди. Маълумки, футболчиларимиз бу мамлакатда ўтказилган мустақиллик кубоги учун мусобақада иштирок этдилар. Саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинди. Футболчиларимиз «В» гуруҳга кирган жамоалар билан учта учрашув ўтказиб, барчасида ғалаба қозонди. Тўплар нисбатини 5:1 қилиб, 9 та очко билан гуруҳ ғолиби бўлишди. Шундан кейин «А» гуруҳида муваффақият қозонган жамоалар билан фахрли ўринлар учун кураш бошланди. Йигитларимиз ярим финалда «Бахрайн» жамоасини 2:0 ҳисобида енгишди. Ҳар иккала тўпни Баҳодир Саидкамолов дарвозага йўллади.

Ҳал қилувчи учрашув эса Босния футболчилари билан ўтказилди. Бу ўйинда ҳам ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида устун келишди. Тўпларни Леонид Кошелев билан Бахтиёр Ҳамидуллаев дарвозага йўллашди. Шундай қилиб Малайзия сафари ғалаба билан якунланди. Бу ютуқ футболчиларимизни август ойида бошланадиган жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич саралаш ўйинлари зафарли бўлишига руҳлантиради, деган умиддамиз.

СКАНВОРД

1 ДАН 10 ГАЧА БЎЛГАН РАҚАМЛАРНИ ОЧСАНГИЗ ҲАММАМИЗ УЧУН АЗИЗ БЎЛГАН СЎЗНИ ТОПАСИЗ.



■ **Тузувчи: Феруза ЖУМАНОВА**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA